

***Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс
тарбияси***

***Обиджон Ҳусанов
Қашқадарё ВХТХҚТМОИ***

Ҳозирги давр — дунёда ғоявий карама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Дунёда глобллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам тобора чуқурлашиб бормоқда.

XX асрда уруш қуроллари такомиллашуви ўзининг юқори босқичига чиқди. Бугунги кунда улар бошқа ҳудудни босиб олиш у ёқда турсин, балки бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик, шовинизм, терроризм ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда, дунёнинг турли бурчакларида инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бормоқда. Натижадан ер юзидаги тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликка ва инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий этишига катта хавф туғдирмоқда. Бутун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Уларнинг асосий шакллари ва йўналишлари Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асарида кўрсатиб берилган.

Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда туб ўзгаришлар юз берди, халқимиз табиати ва дунёқарашига ёт бўлган мустабидлик мафкураси барҳам топди. Президент Ислоҳ Каримов

таъкидлаганидек, ўз умрини ўтаб бўлган эски мафкура ўрнида янги ижтимоий муносабатларни, халқнинг асл мақсад-муддаоларини ифода этувчи илғор ва бунёдкор мафкура шаклланмас экан, жамиятда ғоявий вакуум-бўшлиқ юзага келади. Бундай бўшлиқ илғор, жамият тараққиёти учун зарур ғоялар билан тўлдирилмаса, уни халқ ҳаёти учун ёт ва бегона бўлган мафкуравий таъсирлар эгаллаб олиши мумкин.

Буни жуда яхши англаган юртбошимиз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ бу борада зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишга катта эътибор берди. Шу боис эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги–миллий истиқлол ғояси тушунча ва тамойиллари билан тўлдириш ва шу тариқа зарарли ғоявий тажовузларнинг олдини олишга киришилди.

Лекин, ижтимоий онг ва тафаккур тезда ўзгариб, янгича дунёқараш осонликча шаклланавермайди. Айниқса, бу ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, соддадил, ишонувчан ёшлар тарбиясида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда турли йўналишдаги мафкуравий таҳдидлар айрим одамларнинг қалбини эгаллаб, ўз миллий қадриятларимиз ҳамда умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум этиш, юртимиз аҳолиси тафаккурини бўйсундиришга ҳаракат қилган эди.

Ана шундай бало-қазолардан ҳимояланиш учун тажовузкор ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, кишиларимизни жамият тараққиёти қонуниятларини тўлиқ акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар мафкура билан қуроллантириш зарур эди. Зеро, ҳар қандай жамият ўз ривожланиш йўли, ўзига хос ғоявий асос ва мафкуравий тамойилларига эга бўлиши лозим. Айниқса, бу ўта мураккаб ва қалтис тарихий шароитда халқимизнинг тарихий ютуғи – Ўзбекистон мустақиллигини кўз қорачиғидай асраш, пировард мақсадлар йўлида одамларни сафарбар қилиш, уюштириш, жиқслаштириш учун ана шундай соғлом мафкура ниҳоятда зарур.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, муайян жамият тараққиёт жараёнида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан, иқтисодиёт, ижтимоиёт ва сиёсатида бўлгани каби, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиши зарурати пайдо бўлади. Чунки ўзига хос янги давр, шароит, вазият анъанага айланиб қолган ғоялар, қарашлар, муносабатларни ўзгартирмасдан, маълум мафкурага асосланмасдан янги мақсадлар сари қадам ташлай олмайди. Бу эса янги ғоя, қараш, муносабат, мафкурани ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлагани каби: ”Ўзининг ҳаётини, олдида қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар”.¹

Ҳозирги глобаллашув даврида ўсиб келаётган ёш авлод ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб тарбияланиши зарур. Баркамол шахсни ахлоқий тарбиялашда, аввало, жамият талабига мос ҳолда ахлоқий тушунчалар, қоидалар, ҳис-туйғулар, эътиқод ва хулқига доир кўникмалар ва малакаларни шакллантириш муҳим вазифа саналади. Маънавийли инсон - Ватаннинг содиқ фуқаросидир. У ўз давлати қонунларини биладиган ва уларга амал қиладиган, ўз юртидан ғурурлана оладиган, ўз Ватанининг бойликларини сақлаш билан бирга уни янада бойитадиган, гўзалликларидан баҳраманд бўладиган шахс. У ҳар қандай зарарли иллатларга қарши курашади, халқ бойлигини авайлаб асрайди. Ахлоқ эса шахснинг хатти-ҳаракатлари, юриш туриши, турмуш тарзи, ҳаёт кечириш тамойиллари, қоидалари, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифодалайди. Ахлоқ ижтимоий ҳодиса сифатида жамият маънавий-руҳий ҳаётида ўзига хос ўрин тутади. У жамият томонидан

¹ Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., “Ўзбекистон”, 2000, 5-6 бетлар.

тан олинган тартиб-қоидалар бўлиб, кишиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга соладиган тамойил саналади.

Хулоса қилиб айтганда, баркамол шахс ўз дунёқараши, нуқтаи назарига эга бўлиш, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилишга ўрганиш, шахслик хислатларини тушуниш, шунингдек, ўз билим, қобилият ва кўникмаларини намоён этиб, ўз “Мен”ини қарор топтириш асосида шаклланади. Инсоннинг шахс сифатида ривожланиши унинг қизиқишлари, характери, қобилияти, ақлий ривожланганлиги, эҳтиёжлари, меҳнат фаолиятига муносабати билан белгиланади. Инсонда юқорида кўрсатилган хусусиятлар ривожланиб, унинг ижтимоий воқеликка, меҳнатга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати муайян босқичга етгандагина у баркамол шахс даражасига кўтарилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т., Маънавият, 2008.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., “Ўзбекистон”, 2000